



ТАЛОҚДА ПОЛИПРАГМАЗИЯДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Саидов А.А.

Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон.

✓ Резюме

Ушбу ишда мақсад қилиб каламушларда талоқ лимфоид тўқимасида полипрагмазияда юзага келадиган ўзгаришларни ҳақидаги маълумотларни тўлдириш олинган. Мақсадга эришиш учун 100 та каламушларда талоқ лимфоид тўқимаси морфологик жиҳатдан ўрганилди. Натижалар кўрсатдики, талоқда юзага келадиган ўзгаришларда ностероидли даволаш натижасида лимфоид фолликулалар ҳажмининг катталашганлиги, герминатив марказларнинг сони камайиб, дегенератив хужайралар сони ортиб борган. Талоқнинг оқ пульпасида лимфоцитлар сони кўпайиб, структур бирликларида гиперплазия жараёнларининг устун туриши кузатилди.

Калит сўзлар: талоқ, ностероидли терапия, талоқ, лимфатик тугунлар, полипрагмазия

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ СЕЛЕЗЕНКИ ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ

Саидов А.А.

Бухарского государственного медицинского института Узбекистан

✓ Резюме

Цель настоящего исследования - дополнить данные об изменении полипрагмазии в лимфоидной ткани селезенки крыс. Для достижения цели морфологически исследовали лимфоидную ткань селезенки на 100 крысах. Результаты показали, что в результате нестероидного лечения в изменениях селезенки увеличились размеры лимфоидных фолликулов, уменьшилось количество герминативных центров, увеличилось количество дегенеративных клеток

Ключевые слова: селезенка, нестероидная терапия, селезенка, лимфатические узлы, полипрагмазия.

MORPHOLOGICAL CHANGES OF THE SPLEEN WITH POLYPRAGMASIA

Saidov A.A.

Assistant of the Department of Pathological Anatomy and Forensic Medicine, Bukhara State Medical Institute Bukhara, Uzbekistan.

✓ Resume

The purpose of this study is to supplement the data on the change in polypharmacy in the lymphoid tissue of the spleen of rats. To achieve the goal, the lymphoid tissue of the spleen was studied morphologically in 100 rats. The results showed that as a result of non-steroidal treatment, the size of lymphoid follicles increased in the changes in the spleen, the number of germinal centers decreased, and the number of degenerative cells increased.

Key words: rats, non-steroidal therapy, spleen, lymph nodes, polypharmacy

Долзарблиги

Экспериментал тадқиқотларда талокнинг лимфоид фолликуласига турли дозада ва узок муддат ностероидли препаратлар таъсир кўрсатган пайтда ок каламушлар талоғининг лимфоид тузилмаларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларини ўрганиш илмий тадқиқотлар долзарб муаммоларидан биридир. Экспериментал тадқиқотдаги ҳайвонларда гистологик тадқиқотлар ностероидли препаратларни қўлламаганда янги туғилган каламушларлар талоғининг баъзи морфометрик хусусиятларида ўзгаришлари айниқса илмий тадқиқотлар замонавий долзарб масаладир.

Илмий тадқиқот мақсади:

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ок зотсиз каламушларда талокнинг лимфоид тўқималарида морфологик ҳолатида яллиғланишга қарши дори воситаларини қўллаган пайтимизда полипрагмазиянинг таъсирини ўрганиш.

Материал ва услублар

Тадқиқот объекти бўлиб, 100 та ок наслсиз эркак каламушларнинг талоғи ўрганилди. Барча ҳайвонлар ёши ,жинси,тана вазни ва сақлаш шароитлари бўйича бир бирининг вакили эди. Ҳайвонларнинг тажриба гуруҳларида полипрагмазия таъсирини ўрганиш учун қуйидаги яллиғланишга қарши дорилар қўлланилган: Аспирин (НЯҚД - салицил кислотаси ҳосилалари), Парацетамол (НЯҚД - анилидлар ҳосилалари), Ибупрофен (НЯҚД - пропион кислотаси ҳосилалари), Дексаметазон (синтетик гидрокортикостероид), Плаквинил сульфат (яллиғланишга қарши таъсирга эга безгакка қарши восита). Ҳайвонлар 3 гуруҳга бўлинган бўлиб: I гуруҳ-меъёр($n=20$) ;II гуруҳ($n=40$) 60 кунлик даврдан бошлаб,10 кун давомида яллиғланишга қарши ностероид яллиғланишга қарши дори препарат(НЯҚП)ларини қабул қилган; III гуруҳ($n=40$) 20 кун давомида яллиғланишга қарши ностероид яллиғланишга қарши дори препарат(НЯҚП)ларини қабул қилган ҳайвонлар ;



Морфологик текшириш натижалари аниқ ва ишончли бўлиши учун 20 та назорат гуруҳидаги каламушларга зонд оркали дистилланган сув, 80 та ҳайвонларда эса ностероидли дори препаратини эритмаси найча зонд оркали юборилди. I гуруҳдаги ҳайвонларга 0,5 мл ҳажмда дистилланган сув ошқозон ичига юборилди ва тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга II гуруҳга юқорида номланган дори препатаратнинг 3 таси (LD 2мг/кг) ва III гуруҳга эса 5 та дори препарати (LD 4мг/кг)ни ташкил қилди ва шу доза кунлар давомида берилиб , 10 ва 20 кун ўтгач юзага келадиган ўзгаришларни аниқлашни асосий мақсад қилиб олдик. Олинган материал гистологик усуллар ёрдамида текширилди.





Натижа ва таҳлиллар

Талокнинг лимфоид фолликуласига турли дозада ва узок муддат ностероидли препаратлар таъсир кўрсатган пайтда ок каламушлар талоғининг лимфоид тузилмаларида морфологик ва морфометрик қуйидаги ўзгаришлар кузатилди. Биринчи контрол гуруҳдаги ҳайвонларда гистологик тадқиқотлар ностероидли препаратларни қўлламаганда янги туғилган каламушларлар талоғининг баъзи морфометрик хусусиятларида деярли ўзгаришлар аниқланмади. Препаратни қўллагандан кейин 10 кун ўтгач, талок узунлиги $10,03 \pm 0,68$ ммгача, эни $2,78 \pm 0,16$ (5,69%) гача, қалинлиги $1,34 \pm 0,07$ ммгача (21,65% да) қискарди; шу билан бирга, орган ҳажми $19,07 \pm 5,3$ мм3 да камайди ва унинг оғирлиги 15% да камайди. Кесимдаги ок ва қизил пульпа майдонларининг нисбати бироз ўзгарди: қизил пулпа $62,58 \pm 6,38$ да камайди, ок пульпа майдони эса, аксинча, ортиб, $33,72 \pm 5,42$ ни ташкил этди. Лаборатория ҳайвонларининг талоғини полипрагмазияда қиёсий жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики,олинган кўрсаткичлар тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида фарқ килади.

Қиёсий ўзгаришлар талокнинг катталиги, ўртача ва нисбий оғирлиги, тузилиши ва ранги билан боғлиқ эди. Агар назорат гуруҳидаги ҳайвонларда ўртача ва нисбий вазннинг ошиши,талокнинг тузилиши ва рангининг ўзгариши кузатилмаса , экспериментал гуруҳда бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли жиҳатдан фарқ мавжуд эди.

Шундай қилиб, қиёсий макроскопик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳайвонларнинг экспериментал гуруҳида талокда кўринадиган ўзгаришлар мавжуд бўлиб, улар катталиги, ўртача ва нисбий вазнининг қиёсий ўсиши, ушбу органнинг тузилиши ва ранги ўзгариши билан тавсифланади. Бу макроскопик ва микроскопик тадқиқотларда ўз аксини топди.

	
1-расм. I контрол гуруҳдаги каламуш талоғидаги лимфоид тўқима ўзгаришлари янги пайдо бўлаётган герминатив марказлар. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.	2-расм. I гуруҳ каламуш талоғидаги полипреагмазияда герминатив марказ ўзгаришлари. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

	
3-расм. II гуруҳдаги каламуш талоғи, 10 кундан кейин. Талокнинг лимфоид тузилмаларида герминатив марказ ўзгариши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х20	4-расм. II гуруҳдаги каламуш талоғи, 20 кундан кейин. Т ва В лимфоцитлар миқдор ўзгаришлари. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.
	
5-расм. III гуруҳдаги каламуш талоғи, 10 кундан кейин мантий зонасининг ўзгариши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х20.	6-расм. III гуруҳдаги каламуш талоғи, деструктив ўзгаришларнинг юзага келиши, 20 кундан кейин. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х20.

Хулосалар

1. Шундай қилиб, биз ўрганган 3 ойлик оқ каламушларда ностероидли препаратларни узок қўллаш натижасида, талокнинг лимфоид тугунларида микроскопик юзага келадиган ўзгаришлар сифатида, бирламчи лимфоид тугунларда герминатив марказ янги туғилган хайвонларда тўлиқ такоммил топмаган, улар ораларидаги масофа узокроқ жойлашган, Т ва В зоналарни ажратиш қийин, қон томирлари девори хужайраларининг пролиферациясини кўриш мумкин.
2. Полипрагмазияда эса дори препаратлари юборилгандан кейин 10 ва 20 кунларда, бириктирувчи тўқима хужайраларининг кам табақалашганлиги талокнинг оқ пульпасида герминатив майдоннинг кичрайиши ва хужайралар сонининг камайганлиги аниқланди.
3. Талокнинг структур бирликларида дистрофия, атрофия, деструкция жараёнларининг устун туриши ҳам айнан ностероидли дори препаратларини узок муддатда қўллашнинг ножўя, салбий таъсирида келиб чиқиши аниқланди. Шунингдек назорат гуруҳ хайвонларда талок ҳажми, ўртача массаси ва ранги ҳамда структур ўзгаришлари ҳам юзага келингани кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Капитонова М.Ю. [и др.] Возрастная динамика распределения Б-содержащих клеток в периферических иммунных органах крыс при хроническом стрессе /М.Ю.Капитонова [и др.] //Вестник ВолГМУ. 2006. № 3(19). С. 28–32.
2. Динамика структурных изменений селезенки крыс в постнатальном онтогенезе в условиях токсического воздействия на организм матери / Ф.Х. Азизова [и др.] //Морфология. 2008. Т. 133, № 2. С. 7–8.
3. Динамика Thy-1 лимфоцитов в иммунных органах растущего организма при хроническом стрессе / Капитонова М.Ю., [и др.] //Int. J. Immunorehabilitation. 2003. Т. 5, № 2. С. 147– 148.
4. Зорин Е.Н. Glandula Thymus / Е.Н. Зорин //Успехи экспериментальной биологии. 1924. Т. 3, №1–2. С. 103–124.
5. Иванова Е.А. Современные представления о воздействии психоэмоционального стресса на органы иммунной системы (на примере пищеварительной системы крыс) / Е.А. Иванова // Академический журнал Западной Сибири. 2014. Т. 10, № 2(51). С. 117.
6. Сапин М.Р. и др. Иммунная система человека /М.Р.Сапин, Л.Е.Этинген. /М.: Медицина, 1996. 304 с.
7. Сапин М.Р. Иммунная система, стресс и иммунодефицит /М.Р.Сапин, Д.Б.Никитюк. /М.: Джангар. 2000. 184 с.
8. Хаитов Р.М. и др. Иммунология /Р.М.Хаитов, Г.А.Игнатьева, И.Г.Сидорович. М.: Медицина. 2000. 430 с.
9. Барта И. Селезенка, анатомия, физиология, патология и клиника //Издательство академии наук Венгрии-Будапешт. 1976. 263 с.
10. Молдавская А.А. Морфологические критерии строения селезенки в постнатальном онтогенезе / А.А. Молдавская, А.В. Долин //Успехи современного естествознания. 2009. № 2. С. 15– 18.
11. Петров В.И. и др. Особенности поведения крыс с различной генетической устойчивостью к стрессу /В.И. Петров [и др.] //Бюллетень экспериментальной биологии. 1998. Т. 125, № 4. С. 420–424.
12. Сепиашвили Р.И. Функциональная система иммунного гомеостаза //Аллергология и иммунология. 2003. Т. 4, № 2. С. 5–14.

Қабул қилинган сана 09.03.2022